

«Ягона олимпиада - 2025» ғолиблари аниқланди



13:13 / 08.05.2025 1142

Шу йилнинг 7 май куни «Ягона олимпиада - 2025» билимлар беллашувининг якуний республика босқичи Мир Араб олий мадрасасида бўлиб ўтди. Унда 10 та ўрта махсус ислом таълим муассасалари кесимида биринчилиқни қўлган киритган талабалар иштирок этди.

Танловда иштирокчилар араб тили, фикҳ ва ақоид фанлари бўйича ўзаро билим ва малакаларини синовдан ўтказди. Тест жараёнларини малакали ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди.

Қизғин кечган баҳслардан сўнг якуний натижалар қуйидагича бўлди:

I-ўринни «Саййид Муҳйиддин махдум» ўрта махсус ислом таълим муассасаси талабаси Хожиакбар Парпиев Одилжон ўғли қўлга киритди.

Хожиакбар Парпиев «Вақф» хайрия жамоат фонди гранти асосида олий диний таълим муассасасига имтиҳонсиз ўқишга кириш, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг биринчи даражали диплом ва 7 миллион сўм пул мукофоти соҳибига айланди;

II-ўрин «Хадичаи Кубро» аёл-қизлар ўрта махсус ислом таълим муассасаси талабаси Зиёда Иброҳимова Шухрат қизига насиб этди.

Зиёда Иброҳимова олий диний таълим муассасасига ўқишга кириши учун имтиҳон натижалари бўйича ўзи тўплаган балнинг 50 фоизи миқдорида қўшимча балл қўшиб бериш имтиёзи, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг иккинчи даражали диплом ва 5 миллион сўм пул мукофотига сазовор бўлди;

III-ўринга «Хожа Бухорий» ўрта махсус ислом таълим муассасаси талабаси Адҳам Маъруфов Исмоил ўғли муносиб деб топилди.

Адҳам Маъруфов олий диний таълим муассасасига ўқишга кириши учун имтиҳон натижалари бўйича ўзи тўплаган балнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл қўшиб бериш имтиёзи, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг учинчи даражали диплом ва 5 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Танловнинг бошқа иштирокчиларига ҳам қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

Аллоҳ таоло олимпиада ғолибларига имтиёз ва совринларни муборак қилсин, илм йўлидаги мусобақаларини бардавом бўлишини насиб этсин!